

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСАКОВ ПУЛАТЖОН МАХМУДЖОНОВИЧ

**ТАШРИХДАН КЕЙИНГИ ҚИСИЛГАН ВЕНТРАЛ ЧУРРАЛАРНИНГ
АЛЛОПЛАСТИКАСИДА ЖАРОҲАТ ВА ТИЗИМЛИ АСОРАТЛАРИНИ
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Исаков Пулатжон Махмуджонович

Таширидан кейинги кисилган вентрал чурраларнинг
аллопластикасида жароҳат ва тизимли асоратларини
профилактикасини такомиллаштириш..... 3

Исаков Пулатжон Махмуджонович

Совершенствование профилактики раневых и системных
осложнений при аллопластике ущемленных послеоперационных
вентральных грыж..... 21

Isakov Pulatjon Mahmudjonovich

Improving the prevention of wound and systemic complications in
alloplasty of strangulated postoperative ventral hernias..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСАКОВ ПУЛАТЖОН МАХМУДЖОНОВИЧ

**ТАШРИХДАН КЕЙИНГИ ҚИСИЛГАН ВЕНТРАЛ ЧУРРАЛАРНИНГ
АЛЛОПЛАСТИКАСИДА ЖАРОҲАТ ВА ТИЗИМЛИ АСОРАТЛАРИНИ
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Tib1977 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдуллажанов Баҳром Рустамжанович тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Ҳакимов Мурод Шавкатович тиббиёт фанлари доктори, профессор Нуриддинов Арифжан Талибович тиббиёт фанлари доктори
Етақчи ташкилот:	Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «10» август соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50; e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (13-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2022 йил «30» июлда тарқатилди.

(2022 йил «30» июлдаги 13 рақамли реестр баённомаси).

М.М. Мадазимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Ш. Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раис ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий жарроҳлик амалиётида вентрал чурралар бўйича ташрихлар энг кўп учрайдиган аралашувлардан биридир. Шу билан бирга, «жарроҳлик техникаси ва протез технологияларидаги ютуқларга қарамай, жароҳат инфекцияси хавфини камайтириш муаммоси ҳамон долзарблигича қолмоқда»¹. «Герниопластиканинг турли усуллари шошилинич кўрсатмаларга кўра амалга оширилганда, хусусан, чурранинг қисилиши, оқма яралар ва бошқа асоратлар ривожланганда, уларни бартараф этишда ташрих жароҳати доимо микроблар билан ифлосланишга тобе бўладиган беморлар алоҳида тоифани ташкил этади». «Бундай ҳолларда жароҳат инфицирланишининг частотаси 37% ёки ундан кўпроққа етиши мумкин, бу нафақат ташрих натижасига таъсир қилади, балки кўшимча муолажалар ва шифохонада узоқроқ қолиш зарурати туфайли харажатларнинг сезиларли даражада ошишига олиб келади». Барча профилактик чоралар, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ташрихдан олдинги, ташрих вақтидаги ва ташрихдан кейинги чора-тадбирлар сифатида жамланган жарроҳлик амалиётининг учта жиҳатига тўлиқ йўналтирилиши керак»². Бу нуқтаи назардан, нафақат протезли пластиканинг техник жиҳатлари, балки вентрал чурра билан оғриган беморларни даволаш ва профилактика дастурини оптималлаштиришнинг тактик ёндашувлари, шу жумладан, герниопластикага хос бўлган асоратлар ривожланишининг маҳаллий ва тизимли олдини олиш каби чоралар энг долзарб масалалар ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда ҳар бир клиник ҳолат учун идеал протез материални яратишга, айниқса жарроҳлик аралашув соҳасининг микробиал ифлосланиши ҳамда аллогерниопластиканинг техник жиҳатлари билан боғлиқ жароҳат асоратларини олдини олиш нуқтаи назаридан янги технологияларни ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар энг долзарб бўлиб қолмоқда. Антибактериал воситаларни ўз ичига олган турли хил биологик трансплантантларни қўллаш орқали, шунингдек манфий босимли терапиядан (сіNPT) фойдаланган ҳолда жароҳат инфекциясига маҳаллий профилактик таъсирни яхшилаш йўллари излаш ҳам муҳимдир, бу потенциал равишда такрорий ташрихлар ва тўрнинг эксплантациясини талаб қилиши мумкин бўлган хавфли асоратлар пайдо бўлишини олдини олишга имкон беради.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда, хусусан, қисилган вентрал чуррала беморларни хирургик даволашни яхшилашда ижобий натижаларга эришилган. Шу билан бирга, кўрсатилаётган тиббий ёрдамни яхшилаш учун ташрихдан кейинги асоратлар ривожланишини олдини олишни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган натижалар талаб қилинади. 2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни етти устувор йўналиш бўйича

¹ Faylona JM. Evolution of ventral hernia repair. Asian J Endosc Surg. 2017;10(3):252-258.

² World Health Organization. Geneva: World Health Organization; 2018. Global Guidelines for the Prevention of Surgical Site Infection, 2nd Ed. pp. 10665–277399.

ривожлантириш стратегиясида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари белгиланган³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, ташрихдан кейинги асоратлар ривожланишини олдини олишга тактик ва техник ёндашувларни такомиллаштириш орқали қисилган вентрал чуррала беморларни хирургик даволашни яхшилаш долзарб йўналишлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансформация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Биргина АҚШда ҳар йили вентрал чурралар сабабли 300000 дан ортиқ ташрихлар амалга оширилади, уларнинг аксарияти турли хил протез материаллардан фойдаланишни ўз ичига олади⁴. Ушбу йўналишда, замонавий аллогерниопластиканинг долзарб масалаларидан бири жароҳат асоратлари ривожланишини олдини олиш бўлиб, улар орасида инфилтратлар ва серомалар шаклланиши, жароҳатни йиринглаши, протезнинг дислокацияси ва касалликнинг қайталаниши ажратилади. Шу билан бирга, ушбу асоратларнинг этиопатогенезида иккита омил алоҳида аҳамият касб этади – ташрихнинг тактик ва техник жиҳатлари ва жароҳатнинг микробли ифлосланиш даражаси⁵. Италиядаги 25 та марказда ўтказилган проспектив кўп марказли тадқиқотга кўра (2020), аллогерниопластиканинг асосий асоратлари қуйидагилардан иборат: инфицирланган тўрни олиб ташлаш - 1,3%, қўшимча аралашувни талаб қиладиган инфекция - 4,0%, рецидивлар - 8,0%, такрорий аралашувлар - 5,3% ва серомани дренажлаш - 6,7%⁶. Ўз навбатида, жароҳат инфекцияси ривожланишининг 42% га етувчи энг юқори хавфи дастлабки бактериал контаминация шароитидаги ташрихлар вақтида кузатилади, бу ичакнинг

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

⁴ Kanitra JJ, Hess AL, Naan PS, Anderson CI, Kavuturu S. Hernia recurrence and infection rate in elective complex abdominal wall repair using biologic mesh. BMC Surg. 2019;19(1):174.

⁵ Lak KL, Goldblatt MI. Mesh Selection in Abdominal Wall Reconstruction. Plast Reconstr Surg. 2018 Sep;142(3 Suppl):99-106.

⁶ Rognoni C, Cuccurullo D, Borsoi L, Bonavina L, et al.. Clinical outcomes and quality of life associated with the use of a biosynthetic mesh for complex ventral hernia repair: analysis of the "Italian Hernia Club" registry. Sci Rep. 2020;10(1):10706.

кисилиши ва унинг некротик қисмини резекция қилиш зарурати ёки рецидив чурраларда тери оқма яраларининг, шунингдек, парастомал чурраларда ичак оқма яраларининг мавжудлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин⁷. Бундай шароитларда синтетик тўрдан фойдаланишдан қочиш керак деган фикр бор, чунки жароҳатнинг оғир инфекцияси ва такрорий чурралар ривожланишининг юқори частотаси кузатилади⁸. Бироқ, аксарият муаллифлар контаминацияланган жароҳат шароитида турли хил протезлар ёрдамида чуррани бир босқичли даволаш ҳали ҳам самарали эканлиги ва периперацион даврда маълум бир даволаш-профилактик чораларга амал қилиш касаллик қайталанишини паст даражасини таъминлашида ҳамфикрдирлар⁹.

Жароҳатнинг бактериал инфлюэнцини ривожланишини олдини олиш учун турли хил маҳаллий чоралар таклиф этилган. Хусусан, Minor S. ва ҳаммуаллифлар чўчка ингичка ичагининг шиллиқости қаватидан олинган биологик ҳужайрадан ташқари матриксида гентамицин тутувчи янги трансплантантнинг хусусиятларини ўргандилар. Муаллифларнинг таъкидлашича, гентамицинни маҳаллий қўллаш токсик таъсирга олиб келмайди ва контаминацияланган жароҳат шароитида трансплантантнинг инфицирланиш хавфини 8%гача камайтиришга имкон беради¹⁰. Яна бир йўналишлардан бири секин сўрилувчи биосинтетик материалларни ишлаб чиқиш бўлди¹¹. Ҳозирги вақтда учта сўрилувчи синтетик тўрлар мавжуд: GORE BIO-A (Gore), TIGR Matrix Surgical (Novus Scientific) ва Phasix (Bard) тўрлари. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда синтетик ёки биологик протезлардан фойдаланиш билан солиштирганда, асосан ишончли маълумотлар йўқлиги сабабли, резорбсияланувчи синтетик тўрларнинг афзалликларини тасдиқловчи ҳеч қандай далил йўқ. Клиник амалиётда уларнинг потенциал афзалликларини аниқлаш учун кўшимча экспериментал тадқиқотлар, сўнгра рандомизацияланган назорат остидаги синовлар ва етарлича узоқ кузатувни ўз ичига олган проспектив регистрлар талаб қилинади¹². Янги протез материалларини ишлаб чиқиш ҳам аҳамиятли. Масалан, «C-QUR V-Patch Mesh™» протези омега-3 ёғ кислоталари билан қопланган ноёб трикотаж полипропилен тўр ҳисобланади ва усулнинг натижалари рецидивларнинг жуда паст частотасини кўрсатди, аммо бошқа протез материалларига нисбатан инфицирланиш частотаси юқорироқ. Шунга кўра, ташрихларнинг техник жиҳатлари билан бир қаторда, аллогерниопластикадан кейин жароҳат асоратлари ривожланишини олдини

⁷ Rosen MJ, Bauer JJ, Harmaty M, Carbonell AM, et al. Multicenter, prospective, longitudinal study of the recurrence, surgical site infection, and quality of life after contaminated ventral hernia repair using biosynthetic absorbable mesh: The COBRA Study. *Ann Surg.* 2017; 265:205–211.

⁸ Birolini C, de Miranda JS, Tanaka EY et al.. The use of synthetic mesh in contaminated and infected abdominal wall repairs: challenging the dogma-A long-term prospective clinical trial. *Hernia.* 2020;24(2):307-323.

⁹ Sbitany H, Kwon E, Chern H. et al.. Outcomes Analysis of Biologic Mesh Use for Abdominal Wall Reconstruction in Clean-Contaminated and Contaminated Ventral Hernia Repair. *Ann Plast Surg.* 2015;75(2):201-4.

¹⁰ Minor S, Brown CJ, Rooney PS. et al.. Single-stage repair of contaminated hernias using a novel antibiotic-impregnated biologic porcine submucosa tissue matrix. *BMC Surg.* 2020;20(1):58.

¹¹ Petro CC, Rosen MJ. A Current Review of Long-Acting Resorbable Meshes in Abdominal Wall Reconstruction. *Plast Reconstr Surg.* 2018 Sep;142(3 Suppl):84-91.

¹² Miserez M, Jairam AP, Boersema GSA, Bayon Y, Jeekel J, Lange JF. Resorbable Synthetic Meshes for Abdominal Wall Defects in Preclinical Setting: A Literature Review. *J Surg Res.* 2019;237:67-75.

олишнинг тактик жиҳатларини такомиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, қисилган вентрал чурраларни хирургик даволашдан сўнгги қонқарсиз натижаларнинг асосий сабаблари аллогерниопластиканинг маҳаллий ва умумий асоратлари ривожланишига таъсир қилувчи турли хил тактик ва техник омиллардир. Шу аснода ташрихдан кейинги асоратлар ривожланиши патогенезининг барча босқичларида профилактика чораларини такомиллаштириш, шу жумладан серомаларнинг пайдо бўлишини олдини олиш ва жароҳат инфекциясига маҳаллий таъсир кўрсатиш имкониятини таъминлаш учун жароҳатни дренажлаш техникасини оптималлаштириш, тизимли асоратларни олдини олиш борасида периоператив антибактериал терапияни ва реабилитацион дастурни стандартлаштириш ўзига хос очиқ масала бўлиб қолмоқда. Юқоридагиларнинг барчаси ушбу йўналишдаги тадқиқотларни давом эттириш заруратини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ 012000267-сон «Қорин бўшлиғининг ўткир жарроҳлик касалликларини ташхислаш, даволаш ва олдини олишда илғор технологияларни ишлаб чиқиш» (2020-2024 йй.) амалий илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ташрихдан кейинги асоратлар ривожланиши профилактикасига тактик ва техник ёндашувларни такомиллаштириш орқали қисилган вентрал чурраларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қисилган вентрал чурралар бўйича ташрихлар вақтида жароҳатнинг бактериал инфлюэнцага структурасини аниқлаш;

микроб штамmlарининг антибиотик терапиясининг қўлланилган вариантларига сезувчанлик ҳолатининг динамик кўрсаткичини аниқлаш;

қисилган вентрал чурралар бўйича аллогерниопластикада жароҳат асоратлари ривожланишининг олдини олиш усулини такомиллаштириш;

тавсия этилган профилактик чора-тадбирларнинг клиник самарадорлигини аниқлаш;

ташрихдан кейинги асоратлар ривожланишини олдини олиш бўйича амалга оширилган дастурни ҳисобга олган ҳолда, аллогерниопластикадан кейинги ҳаёт сифати кўрсаткичларини аниқлаш;

постпротез чурра билан оғриган беморларни даволашнинг оптимал тактикасини танлаш алгоритминини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2015 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда қисилган вентрал чурралар туфайли Андижон давлат тиббиёт институти клиникасининг хирургия бўлимида даволанган 147 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети қисилган вентрал чурраларда аллогерниопластикадан кейин жароҳатга оид ва тизимли асоратлар ривожланишини олдини олишга комплекс ёндашув натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, биокимёвий, инструментал, микробиологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қисилган вентрал чурралар туфайли амалга оширилган аралашувлар вақтида ташрих жароҳати бактериал ифлосланишининг сифатий ва миқдорий таркибининг микробиологик хусусиятлари ҳамда турли хил антибактериал воситалар гуруҳидан фойдаланиш фонида ифлосланиш кўрсаткичининг динамикаси аниқланган;

тавсия этилган антисептик воситанинг қисилган вентрал чурралар бўйича оператив аралашувлар шароитида микробиал контаминация ривожланишига хос бўлган ташрих жароҳатидаги бактериялар штаммларига яққол бактерицид таъсири *in vitro* тажрибада исботланган;

микробиал контаминация, антибактериал воситаларга сезувчанлик, ташрих жароҳатини дренажлаш ва маҳаллий яллиғланиш жараёни каби омилларни ҳисобга олган ҳолда, қисилган вентрал чурраларда аллогерниопластикадан кейин яра асоратлари ривожланишининг сабаб-оқибат муносабатларига аниқлик киритилган;

даволаш ва реабилитация дастурининг тактик-техник жиҳатларини оптималлаштиришни ҳисобга олган ҳолда ташрихдан кейинги қисилган вентрал чурралар бўйича аллопластикада маҳаллий жароҳат асоратлари ривожланишини олдини олиш усули такомиллаштирилган;

шошилич хирургия шароитида аллогерниопластикадан сўнг жароҳатга оид ва тизимли асоратлар ривожланиши хавфини камайтириш учун тавсия этилган профилактик чоралар самарадорлигининг клиник ва патогенетик жиҳатлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қисилган вентрал чурралар бўйича аллогерниопластикани бажаришда ташрих жароҳатидаги бактериал штаммларнинг сезувчанлиги динамикада аниқланган ва периоператив антибактериал терапиянинг оптимал схемаси дифференциация қилинган;

шошилич хирургия шароитида протез аллогерниопластикада “ФарГАЛС” маҳаллий антисептик воситасини ташрих вақтида ва кейин локал қўллаш жароҳат инфекциясига юқори бактерицид таъсир кўрсатиши исботланган;

шошилич хирургия шароитида аллогерниопластикадан кейин ташрих натижаларини яхшилаш, госпитализация даврини ва ташрихдан кейинги реабилитация муддатини қисқартиришга имкон берувчи жароҳат асоратлари ривожланишини олдини олиш усули таклиф қилинган;

таклиф этилган профилактик чора-тадбирлар мажмуи аллогерниопластиканинг ўзига хос йирингли-яллиғланиш асоратларининг

ривожланиш хавфини камайтириши ва ҳаёт сифатининг асосий кўрсаткичлари тикланишини сезиларли даражада тезлаштириши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, лаборатор ва инструментал диагностиканинг замонавий усулларидан фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, аллогерниопластикадан кейин жароҳат асоратлари ривожланишидаги сабаб-оқибат алоқаларини аниқлаган ҳолда қисилган вентрал чурралар бўйича аралашувлар вақтида бактериал контаминациянинг микробиологик хусусиятларини ўрганиш орқали асоратлар ривожланишини олдини олиш усулларини такомиллаштиришга муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, даволаш-реабилитация дастурининг тактик ва техник жиҳатларини мақбуллаштиришни ҳисобга олган ҳолда ташрихдан кейинги қисилган вентрал чурралар бўйича аллопластикада маҳаллий жароҳат асоратлари ривожланишини олдини олишнинг такомиллаштирилган усулини жорий этиш, аллогерниопластиканинг ўзига хос маҳаллий йирингли-яллиғланиш ва тизимли асоратларини ривожланиш хавфини камайтиришга ва ҳаёт сифатининг асосий кўрсаткичларини тикланишини сезиларли даражада тезлаштиришга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аллогерниопластикадан кейин асоратлар ривожланишини олдини олишни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

“Қисилган ташрихдан кейинги вентрал чурраларнинг аллопластикасида жароҳатнинг йирингли-яллиғланиш асоратларини олдини олиш усули” такомиллаштирилган (FAP 01707-сонли фойдали модел учун патент, 29.10.2021). Шошилишч хирургия шароитида аллогерниопластикадан кейин жароҳат асоратлари ривожланишини олдини олишнинг тавсия этилган усули ташрих натижаларини яхшилашга, госпитализация даврини ва ташрихдан кейинги реабилитация муддатини қисқартиришга имкон берган;

«Ташрихдан кейинги қисилган вентрал чурраларнинг аллопластикасида жароҳатга оид ва тизимли асоратлар ривожланишининг олдини олиш усулларини оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 13 майдаги 08-12709-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар қисилган вентрал чурраларда аллогерниопластикадан сўнг жароҳатга оид ва тизимли асоратлар ривожланишини олдини олишга профилактик ёндашувлар сифатини яхшилашга имкон берган;

аллогерниопластикада жароҳатга оид ва тизимли асоратларни олдини олиш сифатини ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни

сақлашнинг амалий фаолиятига, жумладан, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалига, Андижон давлат тиббиёт институти клиникасига ва Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 13 майдаги 08-12709-сон маълумотномаси). Қисилган вентрал чурраси бор беморларни аллогерниопластика қилишда ташрих вақтидаги ва ташрихдан кейинги таклиф этилган профилактик чора-тадбирлар мажмуи жароҳат асоратларини 20,9% дан 7,1% гача пасайтиришга, шифохонадан чиқарилган асоратлар кузатилмаган беморлар улушини 70,3% дан 89,3% гача оширишга ва стационар реабилитация давомийлигини $7,7 \pm 0,1$ дан $6,7 \pm 0,1$ кунгача қисқартиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқот мақсади, вазифалари шакллантирилган, натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижалари апробацияси ва чоп этилганлиги, диссертация ҳажми ва тузилиши тўғрисида маълумот келтирилган.

Диссертациянинг **“Шошилич хирургияда қисилган вентрал чурраларни герниопластикадан кейинги асоратларни олдини олиш муаммосининг ҳозирги ҳолати”** деб номланган биринчи бобида қисилган вентрал чурралар аллогерниопластикасининг ташрихдан кейинги асоратлари муаммосининг моҳиятини очиб берадиган адабиётлар шарҳи, диагностика, профилактика ва даволашнинг замонавий усуллари, шунингдек, ушбу касалликка чалинган беморларни периоператив даволашнинг долзарб масалалари келтирилган.

Диссертациянинг **“Материалнинг ва қўлланилган тадқиқот усуллариининг клиник тавсифи”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг асосий йўналишлари, яъни аллогерниопластика ўтказилган қисилган вентрал чурраси бўлган беморларда ташрихдан кейинги жароҳатга оид ва тизимли асоратлар ривожланишининг олдини олиш усуллариини такомиллаштириш ва натижаларни баҳолаш ҳақида маълумотлар берилган.

Асосий гуруҳда таклиф этилган тактик ва техник профилактика чоралари комплекси – периоператив антибактериал терапия, жароҳат юзасини

аллопластика босқичидан кейин ва ташрихдан кейинги 2-3 кун мобайнида жарохатнинг турли жойларига ўтказилган махсус катетер орқали “ФарГАЛС” антисептик воситаси билан ишлов бериш, шу билан бирга, икки ёки уч каналли дренажлар билан ташрих жарохатини вакуумли аспирация тури бўйича дренажлаш, шунингдек, нафас олиш ва юрак-қон томир асоратларини олдини олиш бўйича реабилитация тадбирлари, кучайтирилган аналгетик терапия қўлланилган.

Беморларнинг ёши 23 дан 83 ёшгача бўлган. Таққослаш гуруҳида аёллар 68 (74,7%) нафарни, эркеклар 23 (25,3%) тани, асосий гуруҳда аёллар 44 (78,6%) нафарни, эркеклар 12 (21,4%) нафарни ташкил этган.

Ташхис қўйишда ва вентрал чурраси бўлган беморларни ажратишда J.P. Chevrel, A.M. Rath (SWR-classification) таснифидан фойдаланилган. Бунда, S – чурранинг жойлашиши, W – чурра дарвозасининг кенглиги, R – рецидив мавжудлиги (1-жадвал).

1-жадвал

Беморларни Shevrel-Rath таснифи бўйича тақсимланиши

Белгилари			Таққослаш гуруҳи (n=91)		Асосий гуруҳ (n=52)		Жами (n=147)		
			abc	%	abc	%	abc	%	
S	M	M ₁	супраумбиликал	33	36,3%	16	28,6%	49	33,3%
		M ₂	параумбиликал	34	37,4%	23	41,1%	57	38,8%
		M ₃	субумбиликал	17	18,7%	9	16,1%	26	17,7%
		M ₄	ков усти	1	1,1%	1	1,8%	2	1,4%
	L	L ₁	ковурға ости	3	3,3%	4	7,1%	7	4,8%
		L ₂	кўндаланг	0	0,0%	0	0,0%	0	0,0%
		L ₃	ёнбош	2	2,2%	2	3,6%	4	2,7%
		L ₄	бел	0	0,0%	0	0,0%	0	0,0%
	ML	кўшалок	1	1,1%	1	1,8%	2	1,4%	
	W	W ₁	5 см дан кичик	0	0,0%	0	0,0%	0	0,0%
W ₂		6 дан 10 см гача	59	64,8%	28	50,0%	87	59,2%	
W ₃		11 дан 15 см гача	21	23,1%	19	33,9%	40	27,2%	
W ₄		15 см дан катта	11	12,1%	9	16,1%	20	13,6%	
R	R ₀	ташрихдан сўнгги	86	94,5%	52	92,9%	138	93,9%	
	R ₁	биринчи рецидив	4	4,4%	3	5,4%	7	4,8%	
	R ₂	иккинчи рецидив	1	1,1%	1	1,8%	2	1,4%	

Чурралар жойлашувининг таҳлили шуни кўрсатдики, текширилган беморларда асосан чурранинг ўрта жойлашуви мавжуд бўлиб, улардан энг кўп учраганлари – киндик усти чурралари 49 (33,3%) та ва параумбиликал чурралар 57 (38,8%) тани ташкил қилди.

Беморларни чурра дарвозасининг кенглигига кўра тақсимланиши шуни кўрсатдики, нуқсон кенглиги 5 см гача бўлган беморлар кузатилмаган, нуқсон кенглиги 6 дан 10 см гача бўлганлари 87 (59,2%) нафарни, 11-15 см – 40 (27,2%) нафарни ва 15 см дан катталари 20 (13,6%) нафарни, яъни кенглиги 6-

15 см бўлган чурралар кўпроқни ташкил этган. Беморларнинг катта қисми (93,9%; n=133) ташрихдан кейинги вентрал чурралар билан мурожаат қилган.

Ўттиз беш (23,8%) ҳолатда 2 ва ундан ортиқ ҳамроҳ касалликлар аниқланган. Ҳамроҳ касалликлар орасида 52 (35,4%) беморларда аниқланган хафақон касаллиги устунлик қилди. Кейинги ўринларда, 26 (17,7%) беморда қайд этилган ўпканинг сурункали касалликлари ва 11 (7,5%) беморда қайд этилган қандли диабет кузатилди.

Амалга оширилган ташрихларнинг хусусияти бўйича беморлар куйидагича тақсимланди: апоневроз нуқсонини тикиш билан “onlay” протезлаш таққослаш гуруҳининг 44 (48,4%) нафар беморида ва асосий гуруҳнинг 26 (46,4%) беморида, апоневроз нуқсонини тикмасдан “onlay” протезлаш эса, таққослаш гуруҳининг 47 (51,6%) нафар беморида ва асосий гуруҳнинг 30 (53,6%) беморида амалга оширилган.


Ташрихдан кейинги даврда оғриқнинг интенсивлигини баҳолаш учун 10 балли визуал-аналогли шкала қўлланилган. Беморларнинг ҳаёт сифати “SF-36 Health Status Survey” сўровномасига мувофиқ ўрганилди.

Диссертациянинг **“Қисилган вентрал чурраларда аллогерниопластикадан кейинги асоратлар ривожланишини олдини олиш сифатини яхшилаш йўллари”** деб номланган учинчи бобида ташрихдан кейинги вентрал чурраси бўлган беморларда хирургик жароҳатнинг бактериал инфлосланиши, шунингдек, қисилган вентрал чурраси бўйича ташрихлар вақтида жароҳат асоратлари ривожланишининг хавф омиллари ўрганилган.

Таққослаш гуруҳидаги 34 беморда ташрих вақтида аллогерниопластика босқичидан сўнг жароҳатдан олинган ҳамда ташрихдан кейинги 1-2 ва 3-5 кунларда дренажлардан чиққан ажралмалар намуналарини экиш натижаларини баҳолаш ўтказилган. Ҳар хил турдаги микроорганизмлар ажратилган. Ташрих вақтида олинган ажралмаларда кўпинча, яъни 16 ҳолатда *Enterobacter spp.* (47,1%) ўсиб чиққан. Ташрихдан сўнгги 1-кунда олинганида эса, кўп ҳолларда *Staphylococcus spp.* (35,3%; 12 та намунада) ва *Streptococcus spp.* (26,5%; 9 та намунада) ўсиб чиққан. Шу билан бирга, ушбу ҳолат 3-кунда ҳам қайд этилди, шунингдек 2 тадан ҳолатларда *Candida* туркумидаги замбуруғлар (5,9%) ва *Pseudomonas aeruginosa* (5,9%) кўшилди.

Дренажлардаги ажралмаларда микробларнинг ўсиш динамикасини ўрганиш (1-расм) ташрихдан кейинги 1-2 кунларда 64,7% (22 та намуналар) ҳолларда микроорганизмларнинг турли штамлари ассоциацияси қайд этилганлигини кўрсатди, фақатгина 29,4% (10 та намуна) ҳолатда ўсиш кузатилмаган, бунда интраоператив кўрсаткичларга нисбатан статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ қайд этилмади ($\chi^2=0,934$; $Df=2$; $p=0,627$).

Ўтказилган даволаш фонида, 3-5-кунларда аксарият ҳолларда ўсиш кузатилмади, бу 55,9% ни ташкил этди (19 намуна), аммо микроорганизмларнинг ассоцирланган ўсишининг аниқланиш частотаси ҳам юқори бўлиб, 44,1% ни ташкил этди (15 та намуна). Бунда, 3-5 кунлардаги кўрсаткичлар интраоператив кўрсаткичларга нисбатан статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлди ($\chi^2=6,604$; $p=0,037$).




Интраоперативга нисбатан 1-2 кундаги кўрсаткичлар – $\chi^2=0,934$; Df=2; p=0,627
 Интраоперативга нисбатан 3-5 кундаги кўрсаткичлар – $\chi^2=6,604$; Df=2; p=0,037

1-расм. Дренажлардаги ажралмаларда микробларнинг ўсиш динамикаси

Таққослаш гуруҳидаги 21 беморда турли антибактериал воситаларга сезувчанлик кўрсаткичлари аниқланди. Ташрих вақтида олинган намуналар антибиограммасининг таҳлили шуни кўрсатдики, 95,2% ҳолларда микроорганизмларнинг цефотаксим ва офлоксацин учун сезгир штамлари аниқланган, 100% ҳолларда эса, штамлар цефепим, ципрофлоксацин, левофлоксацин, цефоперазон, цефтриаксон ва цефоперазон/сульбактамга сезувчанлиги аниқланган. Шундай қилиб, ингибитор-ҳимояланган III ва IV авлод цефалоспоринларга ҳамда II ва III авлод фторхинолонларга тўлиқ сезувчанлик аниқланган.

Интраоператив намуналарни экиш натижаларига кўра, ўртача барча дори воситалари учун сезувчанлик кўрсаткичи $93,7 \pm 2,4\%$ ни ташкил этди (2-расм). Ташрихдан кейинги даврда дренаж ажралмалари намуналари экилганда, ушбу кўрсаткич $80,6 \pm 5,3\%$ га тенг бўлди, бу танланган даволашга турига нисбатан штамларнинг резистентлиги ривожланиши билан динамикада сезувчанликнинг сезиларли даражада пасайишини англатади ($t=2,26$; $p<0,05$). Тадқиқот давомида олинган маълумотлар, қисилган вентрал чурраси бўлган беморлар учун тизимли антибиотикотерапиянинг энг тўғри схемасини танлашга имкон берди, яъни, ташрихдан кейинги биринчи кунда ингибитор-ҳимояланган цефалоспоринларни қўллаш ва кейинчалик фторхинолонларга ўтиш.



Статистик кўрсаткичлар: медиана; M – ўртача қиймат; δ – стандарт оғиш; m – ўртача хатолик. Т-гуруҳлараро мезон – t=2,26; p<0,05

2-расм. Барча дори воситалари учун ўртача сезувчанлик кўрсаткичи

Ушбу тадқиқот давомида, таққослаш гуруҳида, жароҳат йирингли-яллиғланиш асоратларининг частотасини таҳлил қилиш, сўнгга уларнинг ривожланиши хавф омилларини текшириш ҳам ўтказилди (3-расм). Маҳаллий асоратларни ривожланиш эҳтимоли 20,9% ни ташкил этди. Шу билан бирга, серомалар 9,9% ни (91 тадан 9 та), сўнгга частотасига кўра узок муддатли дренажлаш - 6,6% ни ва ташрих жароҳатидаги инфилтрат - 5,5% ни ташкил этди.

Шундай қилиб, натижаларни яхшилаш учун аллогерниопластикани амалга оширишда операцион жароҳат соҳасини адекват дренажлаш ва микробиал пейзаж ҳолати каби профилактик чораларни ҳисобга олиш керак.




3-расм. Ташрихдан кейинги жароҳатни ноадекват дренажлаш ёки яллиғланиш жараёнига боғлиқ бўлган маҳаллий асоратларнинг ривожланиш эҳтимоли.

“ФарГАЛС” микробларга қарши воситаси фаоллигини экспериментал (*in vitro*) тадқиқ қилиш натижалари шуни кўрсатдики, “ФарГАЛС” га сезгирлик барча даврларда 100% ни ташкил этиб, *Enterobacter spp.* ва *Streptococcus spp.* га нисбатан энг юқори фаоллик аниқланган.

Жароҳатнинг йирингли-яллиғланиш асоратларини адекват олдини олиш ва репарация жараёнларини тезлаштириш учун ташрих жароҳатига дори воситасини киритишни ўз ичига олган “Ташрихдан кейинги қисилган вентрал чурралар аллопластикасида жароҳатнинг йирингли-яллиғланиш асоратларини олдини олиш усули” таклиф қилинган. Бунда синтетик имплант маҳкамлангандан сўнг, операцион жароҳатга Редон типидagi дренаж қўйилади, дори воситаси сифатида 1:3 нисбатдаги 50 мл “ФарГАЛС” эритмаси қўлланилади, бу билан жароҳатга дастлаб ташрих вақтида, сўнгра, жароҳатга киритилган уч каналли туннел катетер орқали, кунига 2 марта 3 кун давомида ишлов берилади.

Редон типидagi дренаж тизимларидан фойдаланиш ташрихдан кейинги жароҳатнинг фаол паст вакуумли дренажини таъминлайди, аспирация учун мақбул шароитларни яратади, тўқималарнинг шикастланишини камайтиради ва муолажанинг асептиклигини таъминлайди. Уч туннелли катетер сероб бўлиб, узоқ вақт давомида жойида қолдирилиши мумкин. Катетерни жароҳатдаги жойлашуви игна билан пункция қилишга зарурат туғдирмайди (4-расм).

Жароҳатда жойлашган, протез устидаги уч каналли катетер орқали “ФарГАЛС” препаратини киритиш жароҳат юзаси бўйлаб антисептикни тенг равишда инфльтрацияланишига имкон беради.




4-расм. Ташрихдан кейинги жароҳатда Редон типидagi дренаж тизимлари ва уч каналли туннел катетери жойлашувининг схематик кўриниши.

Диссертациянинг “Қисилган вентрал чурраларнинг аллогернио-пластикасида жароҳат ва тизимли асоратларнинг олдини олиш натижалари” деб номланган тўртинчи бобида таққослаш гуруҳларида ташрихларнинг яқин даврдаги натижалари ва беморларнинг ташрихдан кейинги ҳаёт сифати кўрсаткичлари таҳлили тақдим этилган.

Олинган маълумотларга кўра, ташрихдан кейинги давр давомида оғрик интенсивлигининг статистик жиҳатдан яхшироқ кўрсаткичлари беморларнинг асосий гуруҳида кузатилган ($t=2,43-3,18$; $p<0,05$).

Дренаждан чиққан ажралма миқдорининг ўзгариши динамикаси графигини тузиш ва маълумотларни статистик қайта ишлаш ташрихдан кейинги биринчи кундаёқ асосий гуруҳ беморлари фойдасига сезиларли фарқ борлигини кўрсатди ($t=5,49$; $p<0,05$), бу ҳолат жароҳат бўшлиғини дренажлаш даври мобайнида сақланиб турган (5-расм).




5-расм. Аналогли шкала бўйича оғрик интенсивлигининг динамикаси

Бронхопультмонал асоратлар, жумладан, пневмония, плеврит ва ўткир респиратор дистресс синдроми ривожланиши билан нафас етишмовчилиги, сезиларли юқори частота билан таққослаш гуруҳида (13,2%; $n=12$), беморларнинг асосий гуруҳида эса бу кўрсаткич 7,1% ни ($n=4$) ташкил этди. Таққослаш гуруҳида кўпинча ритм бузилиши (3,3%) ва веноз тромбозлар (3,3%) қайд этилган, улар миокард инфаркти (2,2%) ва ўпка артериялари тромбоэмболияси (1,1%) билан бирга 9,9% ни ташкил қилди.

Таққослаш гуруҳида маҳаллий асоратлар орасида кўпинча серома кузатилиб, 9,9% ни ($n=9$) ташкил этган бўлса, асосий гуруҳда эса ушбу маҳаллий асорат фақатгина 1 (1,8%) ҳолатда кузатилган. Шунингдек, таққослаш гуруҳининг 6 (6,6%) беморида ташрихдан кейинги экссудатнинг узоқ муддатли оқиши, 5 (5,5%) беморида жароҳат инфилтрати ва 3 (3,3%) беморида жароҳат йиринглаши кузатилган. Вентрал чурралар билан оғриган беморларда тавсия этилган тактик ва техник профилактик ва терапевтик тадбирлар умумий асоратлар частотасини 23,1% дан 7,1% гача камайтириш имконини берди ($\chi^2=6,236$; $p=0,013$). Икки ва ундан ортиқ асоратлар таққослаш гуруҳида 20,9% (91 дан 19 тасида) ҳолларда, асосий гуруҳда эса 8,9% (56 тадан 5 тасида) ҳолатда кузатилган ($\chi^2=7,418$; $p=0,025$).

Таққослаш гуруҳида 12 (13,2%) ҳолатда асоратлар 5-7 кун ичида бартараф этилган, 14 (15,4%) беморда кўшимча терапевтик чоралар ва (ёки) госпитал давр муддатини узайтиришни талаб қиладиган асоратлар бўлган (6-расм).



6-расм. Ташрихдан сўнгги даврнинг кечиши хусусияти

Асосий гуруҳ беморларида бу кўрсаткичлар пастроқ бўлиб, мос равишда 8,9% ва 1,8% ни ташкил этди. Таққослаш гуруҳида 1 (1,1%) ҳолатда ўлим билан яқунланган оғир асоратлар қайд этилган. Асосий гуруҳда ўлим ҳолати кузатилмади ($\chi^2=9,048$; p=0,029).


Таққослаш гуруҳидаги беморлар реанимация бўлимида ўртача 1,5 кун, асосий гуруҳдагилар эса 1,2 кун бўлган (t=3,16; p<0,001). Ташрихдан кейинги даволаниш муддати таққослаш гуруҳида 7,7 кунни ва асосий гуруҳда 6,7 кунни ташкил этди (t=5,34; p<0,001).

Ташрихдан кейинги 6 ойгача бўлган муддатда ташрих жароҳатининг инфилтрати таққослаш гуруҳидаги 6 (9,2%) беморда ва асосий гуруҳдаги 2 (4,3%) беморда кузатилди. Бунда, асоратлар кузатилган жами беморлар таққослаш гуруҳида 7 (10,8%) нафарни ва асосий гуруҳда 2 (4,3%) нафарни ташкил этди.

Оғриқ интенсивлиги, сўровноманинг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида, асосий гуруҳда 69,3 балл кўрсаткичига эга эди, бу ҳам таққослаш гуруҳига нисбатан юқори - 59,0 балл (t=6,85; p<0,001). Умумий саломатлик ҳолати беморлар томонидан асосий ва таққослаш гуруҳларида мос равишда 68,8 ва 60,5 балл билан баҳоланди (t=5,09; p<0,001). Руҳий саломатлик кўрсаткичи асосий гуруҳда ҳам юқори бўлиб, 62,9 баллга нисбатан 70,9 баллни ташкил этди (t=3,82; p<0,001).

Шундай қилиб, аллогерниопластикадан кейинги жароҳат ва тизимли асоратлар ривожланишини олдини олиш усуллари такомиллаштириш “SF-36 Health Status Survey” махсус сўровномаси ёрдамида аниқланган ҳаёт сифати кўрсаткичларини, ташрихдан кейинги 1-6 ой ичида, саломатликнинг

жисмоний компоненти (Physical health) даражасини $62,5 \pm 0,6$ дан $71,3 \pm 0,5$ баллгача ($t=10,92$; $p<0,001$) ва психологик компонентини (Mental Health) $64,4 \pm 0,6$ дан $70,6 \pm 0,6$ баллгача ошиши ($t=6,99$; $p<0,001$) билан сезиларли даражада яхшиланишини таъминлади (7-расм).



*- Гуруҳлардаги жисмоний компонент бўйича кўрсаткичлар – $t=10,92$; $p<0,001$

*- Гуруҳлардаги психологик компонент бўйича кўрсаткичлар – $t=6,99$; $p<0,001$

7-расм. Саломатликнинг жисмоний ва психологик таркибий қисмлари бўйича ҳаёт сифати кўрсаткичлари (баллар)

ХУЛОСАЛАР

1. Қисилган вентрал чурраларда аллогерниопластикадан кейинги жароҳат асоратлари ривожланишини олдини олиш периоперацион даврда амалга оширилиши керак, чунки протезлаш босқичидан кейин бактериал контаминациянинг сифат ва миқдорий таркибини ўрганиш беморларнинг атиги 32,4 фоизида колониялар ўсмаганлигини, 11,8% ҳолларда монокультура, қолган 55,9% беморларда эса турли микробиял ассоциациялар ўсганлигини кўрсатди.

2. Беморларнинг 44,1 фоизида ташрихдан кейинги 3-5-кунларда дренажлар орқали чиққан ажралма намуналари экилганда, ташрихдан кейинги эмпирик равишда танланган антибактериал терапия микроб колонияларининг ижобий ўсишини сақланишига олиб келади, бунда ташрих жароҳатидан олинган намуналарда антибактериал воситаларга сезувчанлик $93,7 \pm 2,4\%$ га етгани ҳолда, динамикада бу кўрсаткич $80,6 \pm 5,3\%$ га сезиларли даражада камайди ($p<0,05$), бу танланган терапияга нисбатан штаммларнинг резистентлиги ривожланиши билан боғлиқ.

3. Қисилган вентрал чурраси бўлган беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш учун аллогерниопластикани ўтказишда операцион жароҳат соҳасини адекват дренажлаш ва микробиял пейзаж ҳолати каби

профилактик чораларни ҳисобга олиш керак, бу жароҳатнинг специфик асоратлари ривожланиши патогенезининг асосий бўғинларга таъсир қилиш имконини беради, ўз навбатида, ташрихдан кейинги реабилитация дастурини оптималлаштириш тизимли асоратлар частотасини камайтиради.

4. Қисилган вентрал чурраси бўлган беморларда аллогерниопластикани амалга оширишда ташрих вақтидаги ва ташрихдан кейинги тавсия этилган профилактик чора-тадбирлар мажмуи жароҳат асоратларини 20,9% дан 7,1% гача ($p=0,026$), умумий асоратларни 23,1% дан 7,1% гача ($p=0,013$) камайтиришга, мос равишда, асоратлар кузатилмаган беморлар улушини 70,3% дан 89,3% гача оширишга ($p=0,008$) ва стационар реабилитация давомийлигини $7,7\pm 0,1$ дан $6,7\pm 0,1$ кунгача қисқартиришга ($p<0,001$). имкон берди.

5. Аллогерниопластикадан кейинги жароҳат ва тизимли асоратлар ривожланишини олдини олиш усулларини такомиллаштириш “SF-36 Health Status Survey” махсус сўровномаси ёрдамида аниқланган ҳаёт сифати кўрсаткичларини, ташрихдан кейинги 1-6 ой ичида, саломатликнинг жисмоний компоненти (Physical health) даражасини $62,5\pm 0,6$ дан $71,3\pm 0,5$ баллгача ($t=10,92$; $p<0,001$) ва психологик компонентини (Mental Health) $64,4\pm 0,6$ дан $70,6\pm 0,6$ баллгача ошиши ($t=6,99$; $p<0,001$) билан сезиларли даражада яхшиланишини таъминлади, бу умуман олганда, узоқ муддатдаги специфик маҳаллий асоратлар ривожланиш хавфини 10,8% дан 4,3% гача камайтириш билан ўтказилган бирмунча сифатли реабилитация дастурига боғлиқ бўлди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01
ПРИ АНДИЖАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ
ИНСТИТУТЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ИСАКОВ ПУЛАТЖОН МАХМУДЖОНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОФИЛАКТИКИ РАНЕВЫХ И
СИСТЕМНЫХ ОСЛОЖНЕНИЙ ПРИ АЛЛОПЛАСТИКЕ
УЩЕМЛЕННЫХ ПОСЛЕОПЕРАЦИОННЫХ ВЕНТРАЛЬНЫХ ГРЫЖ**

14.00.27 – Хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

АНДИЖАН - 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2022.2.PhD/Tib1977.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.adti.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Абдуллажанов Бахром Рустамжанович доктор медицинских наук, доцент
Официальные оппоненты:	Хакимов Мурод Шавкатович доктор медицинских наук, профессор Нуриддинов Арифжан Талибович доктор медицинских наук
Ведущая организация:	Самаркандский государственный медицинский университет

Защита диссертации состоится «10» августа 2022 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного Совета PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 при Андижанском государственном медицинском институте по присуждению ученой степени доктора философии (PhD) по медицинским наукам (Адрес: 110000, г. Андижан, ул. Ю. Отабекова 1. Тел.: (0-374) 223-94-57; факс: (0-374) 223-94-50; e-mail: agmi-361@umail.uz, Андижанский государственный медицинский институт).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского государственного медицинского института (зарегистрирована за № 13). Адрес: 110000, г. Андижан, ул. Ю. Отабекова 1. Тел.: (0-374) 223-94-57; факс: (0-374) 223-94-50.

Автореферат диссертации разослан «30» июля 2022 года.

(реестр протокола рассылки № 13 от 30 июля 2022 года).

М.М.Мадазимов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, доцент

М.Ф.Нишанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

М.Ш.Хакимов

Заместитель председателя научного семинара
при научном совете по присуждению ученых степеней
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В современной хирургической практике операции по поводу вентральных грыж относятся к одним из наиболее частых вмешательств. При этом, «несмотря на достижения в хирургической технике и протезных технологиях, по-прежнему, сохраняется актуальность проблемы снижения риска развития раневой инфекции»¹. «Особую категорию составляют пациенты, которым различные варианты герниопластики выполняют по экстренным показаниям, в частности, при развитии ущемленной грыжи, свищей и других осложнений, при ликвидации которых операционная рана всегда подвержена развитию микробной контаминации»². «Частота инфицирования раны в этих случаях может достигать 37% и выше, что влияет не только на показатель исхода операции, но и обуславливает существенный рост затрат из-за необходимости проведения дополнительных процедур и более длительного пребывания в стационаре»³. Все профилактические мероприятия должны быть комплексно направлены на три момента хирургической операции, которые Всемирная организация здравоохранения резюмирует как предоперационные, интра- и послеоперационные меры»⁴. В этом аспекте наиболее актуальными вопросами являются не только технические аспекты протезной пластики, но и тактические подходы к оптимизации лечебно-профилактической программы ведения пациентов с вентральной грыжей, включая такие превентивные меры как локальное и системное предупреждение развития специфических для герниопластики осложнений.

В мировой практике в настоящее время наиболее актуальными исследованиями продолжают оставаться разработки новых технологий, направленные на создание идеального протезного материала для каждого клинического сценария, особенно в плане профилактики раневых осложнений, связанных как с микробной контаминацией зоны оперативного вмешательства, так и с техническими аспектами аллогерниопластики. Не менее важен научный поиск путей улучшения локального профилактического воздействия на раневую инфекцию путем применения различных биологических трансплантатов, содержащих антибактериальные средства, а также использования терапии отрицательным давлением (ciNPT), что позволит предупредить возникновение опасных осложнений, которые потенциально могут потребовать повторных операций и эксплантации сетки.

В настоящее время продолжается широкомасштабная работа по социальной защите населения и совершенствованию системы здравоохранения. В этом направлении, в частности, в улучшении

¹ Faylona JM. Evolution of ventral hernia repair. *Asian J Endosc Surg.* 2017;10(3):252-258.

² de Vries FEE, Hodgkinson JD, Claessen JJM, van Ruler O, et al. Long-term outcomes after contaminated complex abdominal wall reconstruction. *Hernia.* 2020;24(3):459-468.

³ Licari L, Campanella S, Carolla C, Viola S, Salamone G. Closed Incision Negative Pressure Therapy Achieves Better Outcome Than Standard Wound Care: Clinical Outcome and Cost-Effectiveness Analysis in Open Ventral Hernia Repair With Synthetic Mesh Positioning. *Cureus.* 2020;12(5):e8283.

⁴ World Health Organization. Geneva: World Health Organization; 2018. Global Guidelines for the Prevention of Surgical Site Infection, 2nd Ed. pp. 10665–277399.

хирургического лечения больных с ущемленными вентральными грыжами достигнуты положительные результаты. Вместе с тем для улучшения оказываемой помощи требуются научно-обоснованные результаты по совершенствованию профилактики развития послеоперационных осложнений. В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности⁵. Реализация данных задач, в том числе, улучшение результатов хирургического лечения ущемленных вентральных грыж путем совершенствования тактико-технических подходов к профилактике развития послеоперационных осложнений является одним из актуальных направлений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указами Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию экстренной медицинской помощи» за №УП-4985 от 16 марта 2017 года и «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» за №УП-5590 от 7 декабря 2018 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по трансформации хирургической службы, повышению качества и расширению масштаба хирургических операций в регионах» за №ПП-5254 от 4 октября 2021 года, а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

